



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 10 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 10

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 10



ТОШКЕНТ-2020

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телавский государственный
университет, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон Давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Захидова Саховат
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори, доцент
Наманган давлат университети

Махкамов Қодиржон Одилжонович
PhD, доцент в.б.
Наманган давлат университети

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1. Равшан Ҳалимович Акбаров ТУРКИСТОНДА БУТУНРОССИЯ ТАЪСИС МАЖЛИСИГА САЙЛОВЛАРНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ (ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	4
2. Улуғбек Қўчқорович Исмоилов ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ВА ХАЛҚИМИЗНИНГ ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИГИ.....	11
3. Salamat Mamanuli Ktaybekov LIU ZHI JUANNING "IPAK TARIXI" ASARIGA TARIXIY NIGOH.....	19
4. Saidamirxon Mahmudov ZAMONAVIY TARAQQIYOTNING YANGI BOSQICHIDA KOREYA-O'ZBEKISTON HAMKORLIGINING ISTIQBOLLARI.....	24
5. Orifxo'ja Odilovich Mo'minov ARXELOGIYADA QADIMGI HUDUDLAR LANDSHAFTLARINI TUZISHDA GATNING O'RNI.....	31
6. Орифа Зулфикоровна Норова МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИНИНГ МУЗЕЙШУНОСЛИК МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	38
7. Жаҳонгир Давлатович Остонов БУХОРО ИНҚИЛОБИ ЁХУД КОММУНИСТИК ИНТЕРВЕНЦИЯ? БУХОРО ВОҚЕАЛАРИГА ЯНГИЧА ҚАРАШ.....	44
8. Мархабо Давлатовна Пардаева ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН КУРАШИШДА МУТАФАККИР ЖАДИДЛАР ҚАРАШЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	51
9. Рустамжон Султонмуродович Солиев ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДА.....	58
10. Юлдуз Бобокуловна Турсунова ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН МУСУЛМОНЛАР ДИНИЙ ИДОРАСИ ТАРКИБИНИНГ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА АКС ЭТИШИ.....	62
11. Санъат Ҳайитбоевич Хўжамов ТОШКЕНТДАН ТОПИЛГАН ЯНГИ КУФИЙ ДИРҲАМ ТАНГАЛАР.....	69
12. Наргиза Ғаниевна Қаландарова БУХОРО ШАҲРИ АРХИТЕКТУРА ОБИДАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....	75

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Наргиза Ғаниевна Қаландарова,
ЎзРФА Ўзбекистон тарихи
давлат музейи расом - реставратори

БУХОРО ШАҲРИ АРХИТЕКТУРА ОБИДАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

For citation: Nargiza G. Kalandarova, FEATURES OF BUKHARA ARCHITECTURAL MONUMENTS. Look to the past. 2020, vol. 10, issue 3, pp.75-81

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-10-12>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Бухоро шаҳри архитектура меъморчилигининг ўзига хосликлари, жуда кўплаб масжид ва мадрасаларнинг жойлашиш тартиби, савдо гумбазларини меъморий ечими, жихатлари, меъморчилик усуллари ва ханузгача ўз кўринишини йўқотмаган хусусиятлари, таҳлил асосида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: консервация, реставрация, мақбара, масжид, мадраса, хонақоҳ, сувоқ, ёдгорлик, парча, ганчкор, меъмор, обида, композиция, ансамбль, цитадел, гумбаз, равоқ

Наргиза Ғаниевна Қаландарова,
художник-реставратор государственного музея История Узбекистана

ОСОБЕННОСТИ БУХАРСКИХ АРХИТЕКТУРНЫХ ПАМЯТНИКОВ

АННОТАЦИЯ

В статье описаны особенности архитектурных памятников в городе Бухары, анализ планировка многих мечетей и медресе, архитектурное решение торговых куполов, аспекты, архитектурные приемы и особенности, не утратившие своего внешнего вида.

Ключевые слова: консервация, реставрация, мавзолей, мечеть, медресе, ханака, штукатурка, памятник, произведение, ганчкор, архитектор, памятник, композиция, ансамбль, цитадель, купол, арка

Nargiza G. Kalandarova,
artist-restorer of the State Museum History of Uzbekistan

FEATURES OF BUKHARA ARCHITECTURAL MONUMENTS

ABSTRACT

The article describes the features of architectural monuments in the city of Bukhara, analysis of the layout of many mosques and madrasahs, the architectural solution of trade domes, aspects, architectural techniques and features that have not lost their appearance.

Index Terms: conservation, restoration, mausoleum, mosque, madrasah, khanaka, plaster, monument, work, ganchkor, architect, monument, composition, ensemble, citadel, dome, arch

1. Долзарблиги:

Ўзбекистон ҳудудида тарихий масканлари жуда ҳам кўп бўлиб булардан бири Бухоро шаҳридаги тарихий обидаларидир. Бу шаҳарда X асрдан бошлаб XVIII асргача кўпгина обидалар қурилган. Буларнинг ичида мақбаралар, мадрасалар, мачитлар, тоқилар ва бошқалардир. Бухоро шаҳри архитектурасининг ўзига хослигишундаки, Самарқанд, Тошкен, Хоразм ва бошқа шаҳарларда сақланмаган цитаделлари яхши сақланган. Бухоро шаҳрини Бухоро Арки, Чор Бакр, ансамбиллар, масжид, мадрасалар, тоқиларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Арк, Чор Бакр, ансамбилларининг ўзига хосликларидан бири бу ёдгорлик ансамбл принципида, барпо этилган. Шунинг учун ҳам Бухоро шаҳрининг ўзига хосликларидан бу цитаделлар ханузгача ўз кўринишини йўқотмаган.


2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақолада тарихийлик, объективлик, холисоналик, тизимлилик, қиёсийлик, мантиқийлик каби методлар асосида Бухоро шаҳри архитектура ёдгорликларининг ўзига хос хусусиятлари манбалар асосида ўрганилиб, таҳлил қилинди.

3. Тадқиқот натижалари:

Араб истилосидан кейинги меъморчилик ва шаҳар қурилишининг дастлабки равнақи Исмоил Сомоний (847-906-й.й.) номи билан боғлиқ. Бухоро шаҳри Сомонийлар даври X асрда пойтахт бўлган (1 – расм). Тарихчиларнинг маълумотига кура бу даврда Бухородаги мадрасалар сони бутун Шарқ мамлакатларидаги мадрасаларни кўшиб ҳисобланилгандан ҳам кўп булган. Бизгача етиб келган иморатлардан Бухородаги Сомонийлар мақбараси пиширилган ғиштдан ишланган дастлабки иморатлар қаторида сақланиб қолган. Сомонийлар мақбараси композицион жиҳатидан қадимги Эрон ва Урта Осиё меъморчилигидан маълум булган "чортоқ;" композиция типини ташкил этади ва V-VIII асрларда кенг тарқалган оташпарастрлар ибодатхонаси - оловхонани эслатади.

Сомонийлар даврида Сомонийлар мақбараси қурилган бўлиб ҳозирги кунгача яхши сақланган. Бухоро шаҳри бир неча маратоба ҳудудини ўзгартирган булса ҳам, унинг арки ўрни кўп даврлардан бери ўзгаргани йўқ. XVI асрда ҳам шаҳарнинг асосий унсури шу иншоот ҳисобланган ва марказий кўчаларнинг йўналиши унинг жойлашишига қараб белгиланган. Аркка Сиёвуш асос солган деган фикр ҳам мавжуд. Гўёки у бир неча қарра бунёд этилган ва ҳар сафар бузилиб кетаверган.



(1 – расм) Сомонийлар мақбараси


Нихоят, катта айиқ юлдузи туркумига ўхшаш шакл бунёд этилгач, арк истеҳкоми барпо бўлганмиш. Ҳар ҳолда аркнинг чегараси бўйлаб кўриниши уша юлдуз туркумига ўхшаб кетади. Шайбонийлар сулоласи даврида шаҳар Шаҳристони кенгайтирилиб, арк унинг ичида қолиб кетган. М.К. Ахмедовнинг ёзишича, XVI - XVII асрларда Бухоро мажмуалар қурилишида Ўрта Осиё учун анъанавий бўлган мадраса масжид билан «жуфт» ва «қўш» усуллар «биринчи бўлиб жуфт жуфт қилиб ишлатилди», мажмуалар яратишда биноларни бир – бирига яқин ва ўзаро паралел ўқлар билан жойлаштириш керак бўлди [1]. Шундай қилиб 1530-36 йиллари (ҳижрий 936 - 42) Калон масжиди қаршида «қўш» композицион усул билан бир ўқ бўйлаб Мири Араб мадрасаси қурилган. Бухоро шаҳрини яна бир ўзига хослиги шундаки Бухорода жуда кўплаб масжид ва мадрасалар барпо қилинган. Араблар кириб келганидан сўнг биринчи масжидлардан бири ҳам Бухорода барпо этилган бўлиб, бу X-XVI асрга тегишли Моғоки Аттормасжидидир (2 – расм).



(2 - расм) Могокки-Аттор масжиди

Бу масжид ўрнида зардуштийлик динига таълуқли ибодатхона бўлган. Араблар кириб келиши билан бу бино ўрнига Моғоки Аттор масжиди қурилган бўлиб, меъморий обидалар беағида ишлатилган биринчи глазузли безаклар ҳам мана шу обидада қўлланилган. Бухоро арки, савдо умбазлари, бозор ва расталарга туташ марказий кўчалар йўналишларини белгилаб берган бўлса, шаҳарнинг умумий қиёфасини унинг меъморий

ансамбллари билан (3 – расм) тасаввур этиб бўлмайди. **Пойи Минор** ансамбили 1127 йилда қурилган.



(3-расм) Лаби-Ховуз самбли.

Машҳур Минораи Калоннинг икки ён томонида мавжуд бўлган олдинги бинолар ўрнига қайтадан 1514 йилда бунёд этилган Масжиди Калон (катта масжид) ва 1530 – 1536 йилларда қад кўтарган Мадрасаи Мири Араб иншоатларидан иборатдир. Чунончи асосий чорраҳаларда Тоқи Орд фурушон, Тоқи Заргарон, Тоқи Телпакфурушон, Тоқи Тиргарон номли бешта Чорсу типигаги

гумбазли савдо иншоатлари бунёд этилган. Бу савдо гумбазларнинг биринчиси ва охириги бизнинг асримизда вайрона ҳолига келганлиги туфайли бузиб ташланган. Қолган учтаси ҳозирги кунда ҳам салобат тўкиб, шаҳар асосий йўналишларини белгилаб турибди. Бу савдо гумбазлари бугунги кунда аҳоли орасида биринчи, иккинчи, учинчи гумбаз, баъзилар «ком мпол» деб аташади, бу русча «купол» сўзининг бузилиб ишлатилишидир, ёки ток деб юритилади [1]. **Тоқи Заргарон.** Заргарон деб номланадиган қадимий шаҳристон чорраҳасида жойлашган бўлиб, XV аср бошида ҳам бу жой Чорсу деб номланганлиги маълум (4 – расм). Тоқи Заргарон деб аталишининг ўзи ўз номи билан заргарлар гумбазли эканлигидан далолат бериб турибди. Бу бинонинг тархи квадрат кўринишига эга. Унинг марказий композицион ўқлари бўйлаб тўрт пешток тўрттала кўча томонга қаратилган. Иншоатнинг марказий қисми саккизта ўзаро кесишган тоқлар воситасида кўпбурчакли устивор устига қўндирилган улкан гумбаздан иборат. Гумбаз устиворининг ўн олти панжараси бор. Ички томонда эса тоқлар кесишувидан ҳосил бўлган гажжак (шитоводний парус) деворлар билан кўпбурчакни боғлаб турибди.



(4 - расм) Тоқи-Заргарон

Марказий гумбаз ичидаги бино бурчаклари тўртта ва унинг атрофидаги усти кичкина гумбазчалар билан ёпилган йўлак қисми эса саккиз равоқли қилиб кўрилган. Йўлак ташқи деворининг ичкари томонида яна 16 та равоқ ишланган. Хар қайси пештокнинг икки ён томонида (олд томонида) Яна 2 тадан равоқлар ишланган бўлиб, улар жами 36 та дўкон ва устахоналар жойлашишига мўлжалланган. Тоқи Заргарондан жанубга чиқадиган пештоқи ёнида бизнинг асримизда бузиб ташланган уша даврда Хинд карвонсаройи деб аталган карвонсарой бўлган.

Ундан қуйироқда эса 1577 йилда қурилган савдо иншооти Абдуллахон тими жойлашган. Агар тоқ ва Чорсуларда кечаси дўкон ва устахоналар ёпилиб, бинони кесиб ўтган кўчалар ўтиш жойи сифатида фойдаланилган бўлса,

Тим ёпик бино тарзида ишлатилган ва шу жихати билан бугунги кундаги катта дўконларни эслатади.

Абдуллахон тими камёб ва кимматбахо газмол савдосига мўлжаллаб қурилган. Бу иморат тархи ҳам квадрат шаклида бўлиб, бинонинг бош кириш йўллари Тоқи Заргарон, Тоқи Телпакфурашонга бориладиган савдо кўчасига қаратилиб, кўчанинг шарқий бетида қурилган. Бино тарз (фасадларнинг марказида бир асосий ва икки чеккасида яна иккита кичикроқ пештоқли эшик) ўрнатилган. Унинг шарқ ва ғарб томонида асосий йўлак устига чўзинчоқ шаклидаги туйнукли гумбазчалар қурилган. Шунингдек катта гумбазда ҳам ёриткич туйнуқлар мавжуд. Бино ичида жами 55 та савдо равоқлари жойлашган [8]. Абдуллахон Тимидан жанубга қараб йўналган кўчанинг икки томонида раста, дўкон ва устахоналар қурилган бўлиб, мазкур кўча зич холда шарқ томонга синган йўналиш бўйлаб Бозори Кард ҳаммоми ёнидан ўтиб Тоқи Телпакфурашонга келиб чиқади.

Тоқи Телпакфурушон. Телпакфурашон тоқи савдо гумбази ўзининг меъморий ечими жихатдан бошқа савдо гумбазлари ва умуман гумбазли бинолар ичида ажралиб туради. Унинг марказий гумбази 6 та пиллапояга ўрнатилган. Гумбаз ва махрут ораси пастак думалок устивор шаклига эга. Гумбаз маркази ва махрут деворларидан ёруглик тушадиган махсус туйнуқлар ишланган. Тоқи Телпакфурашоннинг шимолий йўлагиди балхи гумбазлари, ичкарироқда тўрта катта равоққа энгаштирилган кичик равоқчаларга қурилган гумбаз, гажжак қаносли ва устиворли гумбаз сингари турли конструкциялар қўлланилган. Ундан жанубий шарққа ва жанубий ғарбга қарата қўш равоқли икки кириш йўли ва худди шу тарздаги уч томонга қаратилган пештоқлар ишланган [4]. Яна бир савдо гумбази бу олдинги иккитасидан жанубий шарқроқ томонда жойлашган Тоқи Сараффондир.

Тоқи Сараффон (пул алмаштирувчи) гумбазидир. Бу савдо гумбази олдинги иккитасидан кичикроқ бўлиб, унинг асосини «линг зарба» 1,2,3,4,6,7,8 усулида ўзаро кесишган тўрт катта тоқ тепасидаги думалок устиворга ўрнатилган анча тик кўринишли гумбазни ташкил этади. Гумбаз юкорисида саккизта кичикроқ пиллапоялар устига яна бир кичик гумбазча ўрнатилган. Бинонинг шимоли-ғарбий бурчагидан унинг ёнидан оқиб ўтувчи Шохруд ариғига зинапояли тушиш йўлаги ўрнатилган.

Бухоро шаҳрида барпо этилган тоқи савдо гумбазлари, масжидлардан ташқари жуда кўплаб мадрасалар ҳам барпо этилган. Масалан: **Мири Араб мадрасаси.** Мири Араб мадрасаси анъанавий меъморий усул асосида қурилган (5 – расм). Хашамдор бош пештоқ, ташқарида икки бурчакка, икки гулдаста, пештоқ ва гулдасталар оралигида баланд думалок устивор (барабан)ларга ўрнатилган икки феруза гумбазга эга. Ўнг томонидаги гумбаз остидаги хона бугунги кунда ҳам масжид вазифасини ўтайди. Дарсхона вазифасини лозим бўлган чап томондаги бўлимасида эса Убайдиллахон ҳамда мадраса бунёдкори Абдулла Яманий ўз яқинлари билан қўмилган. Хужралар бош пештоқ томонидаги кўчага (Масжиди Калонга) ҳамда ҳовлининг тўрт томонига қаратиб икки қатор қилиб қурилган. Ҳовли бурчаклари хужра равоқлари билан чегараланган ва тўрт деворнинг ўртасида чуқур равоқли тўртта пештоқ ишланган. Ҳилхона гумбази тўрт ўзаро кесишган тоқ устига декоратив гумбаз ва айлана устивор ўрнатилган ташқи куббадан иборат. Ҳовлидаги айвоннинг юқори қисмида панжара бўлган. Бино пардозига кошинкорлик ва кошинбуриш ишлатилган [2].

(5- расм) Мири-Араб мадрасаси

Бу даврда жуфт ва қўш услубининг урф бўлиши эса бошқа бир ҳолат 1598 йили йирик диндор жўйбори шайхи Хўжа Калон маблағи ҳисобига бунёд этилган Хўжа Калон жоъме масжиди қурилиши билан қўшилиб кетади. “Жуфт” усули билан ҳал этилган мажмуа 1570 – 1571 йил (хижрий 978 йил қурилган. Кўп асрлар давомида Бухоро меъморчилигида жоъме масжидларининг меъморий композиция



тузилиши ўзгаришсиз қолди, лекин XVI рлардан бошлаб аҳвол бир оз ўзгара борди.

Волидаи Абдулазизхон масжиди XVI асрга оиддир. Иншоот тархи бўйича тўғрибурчак кўринишда ва ўқ бўйлаб шарқий – ғарбга томон чўзилган бўлиб, унинг марказида эса тархига кўра квадрат шаклида жойлашган. Бу ерда масжидларга хос бўлган ёғоч устунли тарх Г – шаклли айвон масжиднинг шарқий ва шимолий тарзига тақаб қурилган. Шимолий томондан эса мезона кўринишидаги кичик минора ўрнатилган.

Волидаи Абдулазизхон масжиди ҳам Жўйбари Колон мадрасаси (XVI аср охири) билан деярли “кўш” меъморий мажмуасини ташкил этади. Уларнинг асосий тарзлари бир – бирига қаратилган. Асосий тарзлар билан ташкил топган ва бинолар орасида жойлашган майдоннинг марказида ярим бузилган тошхувуз жойлаштирилган.

В.А.Лавров маълумотларига биноан, Шайбонихон даврида Бухорода 200 дан ортиқ масжидлар мавжуд бўлган [6]. Маълумки, уларнинг кўп қисми лой – синчли, яъни девор асоси ёғоч синчдан ташкил топиб, хом ғишт ёки қурилган лой «гувала» лар билан тўлдирилган холда бўлган. Тахминимиз бўйича, шу даврдан бошлаб бир неча тархий ва хажмий фазовий композициялар конструктив тизимли тузилиши билан шакланган бу анъаналарга айланиб борган ва шу билан бирга меъморий – тархий ёки безакдор – бадий усуллар ёрдамида ҳақиқий нодир меъморий ечимни излаб топади.

В.М. Дмитриев фикрича, Абдуллахон Шайбоний хукмронлиги даврида, яъни XVI асрларда масжидлар меъморчилигида ёғоч айвон ўзгармас бир белги сифатида шаклланиб борди. XVI асрнинг биринчи ярмида масжидлар айвон билан қурилган. Бунга кейинчалик кўриб ўтиладиган Баланд масжиди ва «Г» шакл кўринишидаги айвонли Хўжа Зайнуддин масжид – ханоқасини мисол қилиш мумкин. Айтгандай, В.Л.Воронина фикрлари бўйича тархи «Г» кўринишли айвон қуриш айнан Бухоро учун хосдир [3]. Бундай меъморий обидалардан бири:

Баланд масжиди бўлиб, у гузар масжидлари ичида илк даврларда қурилган ажойиб намуналаридан биридир. Бу иншоот асрнинг биринчи ярмида бунёд этилган. Аммо, О.А. Сухарева фикрларига биноан, Баланд масжидини «бир неча даҳалардан ибодатга тўпланган аҳолии учун» жоъме масжиди сифатида ҳам фаолият кўрсатганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир [7]. Масжиднинг кўринишидаги хажми баланд асос платформада жойлашган. Яъни, масжиднинг «Баланд» деб ном олиши ҳам шундан келиб чиқади. Шимолий ва шарқий томондан масжидга ёғоч устунли «Г» шаклли айвон туташган. Бу ерда бинонинг том конструкцияси, яъни осма шифт кўринишида ўзгача хал этилган. К.С.Крюков фикрича, бундай конструкция бошқа Ўрта Осиё диний меъморчилигида умуман учрамайди ва ушбу конструкцияни шундай ифодалаб беради: «Тўрт девор бурчаклари бўйлаб саккиз бурчакни ташкил этувчи ёғоч тўсин ётқизилган. Бурчак тўсинларига паралел равишда юқорида қайд этилган квадрат шаклини ҳосил қилувчи яна тўрт устун қўйиб чиқилган. Шундай қилиб, тўрт каватдан иборат бўлиб, юқорига томон торойиб боруви конус ҳосил бўлади [5].

Асосий девор квадратидан тўрт маротаба кичик бўлган охириги каватга тўрт тўсин қўйиб чиқилади ва юқори қисмига одатий кўринишдаги ясситомни мустаҳкамлаш учун шопиллар тўшалади (оралари вассалар билан тўлдирилган, усти бордонлар билан ёпилган, тахта ғишт билан уйғунликда ишлатилган). Бу фазовий конструкцияга пастдан ёғоч шифт тўпламларини тутиб турувчи металл илгаклар ёрдамида шифт тўсинлар ўрнатилган. Шу усулар билан ёғоч шопиллар бўйлаб тўсинконструкцияси осма ёғоч шифт ва ясси том ўртасида беркитилади» [5].

Бу ерда масжидларга хос бўлган ёғоч устунли тарх Г – шаклли айвон масжиднинг шарқий ва шимолий тарзига тақаб қурилган. Шимолий томондан эса мезона кўринишидаги кичик минора ўрнатилган. Волидаи Абдулазизхон масжиди ҳам Жўйбари Колон мадрасаси (XVI аср охири) билан деярли «кўш» меъморий мажмуасини ташкил этади. Уларнинг асосий тарзлари бир-бирига қаратилган. Асосий тарзлар билан ташкил топган ва бинолар орасида жойлашган майдоннинг марказида ярим бузилган тошхувуз жойлаштирилган. Дастлабки қурилган Ўрта Осиёдаги, жумладан Бухоро воҳасидаги фронтал – очилган композицияли

биноларда асосий бадий урғу меҳроб деворига қаратиларди. XII асрдаги Бухоро номозгоҳида меҳроб бутунлай нақшинкор гишт қопламаси, ўйма терракота ва ганч билан безатилган. XIV асрлар Темур хукмронлиги даврида эса унинг айрим қисмлари сирланган кошинлар билан қопланган. Иккинчи, бироз хажмли меъморий масжидлар турининг ривожланиши билан асосий эътибор ажратиб кўрсатилган пештоқ ва гумбазга (агар у бинода асосий аҳамият касб этса) қаратилди (Шахрисабздаги Кўк – Гумбаз масжиди, XVI аср охири). Жумладан, XVI асрлар Абдуллахон даврида, яъни масжидга икки томони очик равоқли галерея тақаб қурилганида, унинг олд томони ва бошқа асосий тарз қисмлари майолика қопламалари билан безатилди. Бухоронинг деярли ҳар бир масжид ва мадрасасини икки табақали ёки бир табақали эшик безаб туриб, ўймакорлик бинолар беагининг бадий кўринишига алоҳида аҳамият касб этган. Ёғоч ўймакорлигининг энг яхши намуналари масжид устунларини безатишда номоён бўлади. В.Л. Воронинанинг ёзишича, барча ёғоч ордер одатда устунлар, тўсин ости, архитрав ва карнизлардан иборат [3]. Бухоро бинолари устунлари Фаргона ва Тошкентникидан фарқли равишда, ўз асосий таркибли, яъни алоҳида асосга таянади.

4. Хулосалар:

Хуллас, Бухоро шаҳри қадимийлигининг гувоҳи бўлиб турган, кўркига кўрк қўшиб турган бу такрорланмас меъмортилик асарлари ўзига хосликлари билан инсонни ўзига мафтун этади. Бухоро маъмортилигини ўзига хослиги, меъморий ансамбллари қурилиши, кўш ва жуфт усулда масжид ва мадрасаларнинг меъморий композиция тузилиши бошқа меъморий обидалардан ажралиб туриши фақатгина Бухорога хос бўлган. Юртимизнинг кўҳна архитектура санъат асарлари ўтмиш давлари ҳақида қимматли маълумотларни бизга етказиши билан қимматлироқ ҳисобланади. Маҳобатли архитектура асарлари ота – боболаримизнинг табаррук қўли билан бунёд этилган бўлиб, меъморий обидаларини бунчалик пишиқ, пухта, чидамли ва мукамал қилиб қуришгани ҳозирги архитекторларни ҳамда бинокорларни ҳам ҳайратга солади. Шундай экан бутун жаҳонга машҳур Ўзбекистон маданиятини, санъатини, тарихини номоён қилиб турган бу такрорланмас меъмортилик асарларини асраб авайлаб очик осмон ости музейини келажак авлодга етказиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Қад ростлаб турган бу архитектура ёдгорликларини табиатни турли талофатларидан сақланса ёдгорликларни умрини янада узаяди вабу очик осмон музейи нафақ юртимизга, бутун жаҳон ташриф буюрувчи меҳмонларни ташрифини кўпайтириб, туризмни ривожлантиришга сабаб бўлади. Бутуризмни ривожланиши, юртимизни молиявий ривожланишида ўз ҳиссасини қўша олади.

Иқтибослар/Сноска/References:

1. Ахмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъмортилиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 127 б. (Akhmedov M.V. History of Central Asian architecture.– Tashkent: Uzbekistan, 1995. - 127 p.)
2. Берштейн А.С. Краткая историческая справка и архитектурно-композиционная характеристика Мири-Араб. – Т, 1952. // Архив Глав НПУ памятников культуры по делам МК Руз. В 2223 / 48 б. (Bershtein A.S. Brief historical information and architectural and compositional characteristics of Miri-Arab. - Т, 1952. // Archive of the Heads of the NPU of cultural monuments for M.K. Roose. В 2223/48 б.)
3. Воронина В.Л. Народные традиции архитектуры Узбекистана.- М.: Государственное издательство архитектуры и градостроительства, 1951. – 168 б. (Voronina V.L. Folk traditions of the architecture of Uzbekistan. – Moskva: State publishing house of architecture and urban planning, 1951. - 168 p.)
4. Засыпкин Б.Н. Архитектурные памятники Средней Азии (Проблемы исследования и реставрации). – М.-Л.: Издательство Всесоюзной Академии Архитектуры, 1928. - 123 б. (Zasyupkin B.N. Architectural monuments of Central Asia. - M.-L.: Publishing House of the All-Union Academy of Architecture, 1928. - 123 p.)

5. Крюков К.С., Лукинская Н.М. Гузарные мечети Бухары // АН. – М., 1972. - № 19. – 192-202 б (Kryukov K.S., Lukinskaya N.M. Guzar mosque Bukhara // AN. – Moskva, 1972. - No. 19. - 192-202 p).
6. Лавров В.А. Градостроительная культура Средней Азии (с древнейших времён до второй половины XIX века). – Москва: Государственное издательство архитектуры и градостроительства, 1950.– 179 б. (Lavrov V.A. Urban culture of Central Asia (from ancient times to the second half of the 19th century). – Moskva: State edition of architecture and urban development, 1950. - 179 p).
7. Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодального города Бухары (в связи с историей кварталов). – М.: Наука, 1976. – 103 б. (Sukhareva O.A. Quarter community of the late feudal city of Bukhara (due to the history of the quarters). – Moskva: Nauka, 1976 .-- 103 p.)
8. Пугаченкова Г.А. Торговые купола города Бухары. – Ташкент: Узбекистан, 1969. - 8 б. (Pugachenkova G.A. Trade domes of the city of Bukhara. – Tashkent: Uzbekistan, 1969 .- 8 p.)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№10 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000